

Аллоҳнинг беҳисоб неъматларининг шукри намоз ва инфоқдир



18:24 / 09.02.2018 6902

Иймон келтирган бандаларимга айтгин, намозни тўқис адо этсинлар. Савдо-сотик, оғайнигарчилик йўқ бўлган Кун келмасидан олдин уларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан махфий ва ошкор инфоқ қилсинлар.

Яъни «Эй Пайғамбарим, мўмин бандаларимга айтгин. Кофирларга ўхшаб ношукр бўлмасинлар. Балки берган неъматларимга шукр қилсинлар. Шукрнинг энг гўзал кўринишларидан бири намоз ўқишдир».

«Иймон келтирган бандаларимга айтгин, намозни тўқис адо этсинлар».

Улар намозни тўла-тўқис адо этсинлар. Охиратда ҳар бандага фойда берадиган амал айнан шу намоздир.

Эй Пайғамбар! Сен иймон келтирган бандаларимга айтгин,

«Савдо-сотик, оғайнигарчилик йўқ бўлган Кун келмасидан олдин уларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан махфий ва ошкор инфоқ қилсинлар».

Қиёмат куни олди-сотди билан иш битириб бўлмайди, ошна-оғайнигарчилик бир пулга арзимайди. Шу ҳолга етмай туриб, мен ризқ этиб берган нарсалардан хоҳ махфий, хоҳ ошкора хайр-эҳсон қилиб қолсинлар. Риё, фахрланиш ва бировга озор етишидан қўрқсалар, махфий равишда хайр-эҳсон қилсинлар. Бошқаларга ўрناق кўрсатиш, Аллоҳга итоатни сездириш сингари ибратли ишлар илинжида бўлса, ошкора хайр-эҳсон қилсинлар».

Энди келадиган оятларда Аллоҳнинг бандаларига берган беҳисоб неъматлари, ризқлари ҳақида сўз кетади:

Аллоҳ осмонлару ерни яратган, осмондан сув тушириб, у ила меваларни сизга ризқ қилиб чиқарган, Ўз амри ила денгизда сузмоғи учун кемаларни сизга беминнат хизматкор қилиб қўйган ва анҳорларни сизга беминнат хизматкор қилиб қўйган Зотдир.

Бу ояти каримадаги маънони бир оз чуқурроқ ўйлаб кўрсак, Аллоҳ дунёдаги барча нарсани бизларга неъмат қилиб берганини англаб етамиз.

«Аллоҳ осмонлару ерни яратган...»

Ким учун? Инсон учун, албатта. Осмондаги ҳамма нарса инсонга хизмат қилади. Ер ва ундаги жамики нарса инсон учун яратилган, унга хизмат этади. Аллоҳ яна:

«...осмондан сув тушириб, у ила меваларни сизга ризқ қилиб чиқарган...»

Аллоҳ осмондан сувни қор ёки ёмғир шаклида инсон учун туширади. Ўша сув нафақат меваларга, балки инсон ва унга хизмат қиладиган барча жамодот – тоғ-тош, қум-тупроқ каби руҳсиз нарсалар, наботот ва ҳайвонотларга ҳам фойдалидир. Буларнинг барчасидан охир-оқибатда инсон манфаат топади.

Аллоҳ:

«...Ўз амри ила денгизда сузмоғи учун кемаларни сизга беминнат хизматкор қилиб қўйган...»

Кемаларнинг денгизда, сувнинг юзида сузиб юриши ҳам мўъжиза. Ҳар бири алоҳида-алоҳида сувга солинганда чўкиб ёки оқиб кетадиган нарсаларни кема ҳолига келтирилса, сузиб, инсонга хизмат қиладиган хусусиятга эга қилиб қўйган Аллоҳ буни ҳам инсон учун қилгандир. Бу ҳам Аллоҳнинг неъматидир.

«...ва анҳорларни сизга беминнат хизматкор қилиб қўйган Зотдир».

Анҳорлар, дарёлар ҳам инсон учун кўплаб неъматлар манбаидир.

У қуёш ва ойни муттасил ҳаракатлантириб, сизга беминнат хизматкор қилиб қўйди. Шунингдек, сизга кеча ила кундузни ҳам беминнат хизматкор қилиб қўйди.

Қуёш билан ой тинимсиз ҳаракатда бўлиб, доимий равишда инсонга хизмат қилади. Кеча билан кундуз ҳам доимо бир-бири билан алмашиб туради. Шу билан бирга, ҳар доим инсоннинг хизматида бўлади. Уларни Аллоҳ шундай яратиб қўйган.

Лекин булар билан Аллоҳнинг инсонларга ато қилган неъматлари тамом бўлиб қолмайди.

Ва У сизга барча сўраган нарсаларингиздан берди. Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, саноғига ета олмасизлар. Албатта, инсон ўта золим ва ўта ношукрдир.

Аввалги оятларда тилга олинган умумий неъматлардан ташқари, Аллоҳ бандаларига улар сўраган мол-дунё, фарзанд, сиҳат-саломатлик, роҳат-фароғат каби кўплаб неъматлардан ҳам беради. Хулоса қилиб айтилганда:

«Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, саноғига ета олмасизлар».

Аллоҳ таолонинг инсонларга ато этган неъматларини замон ҳам, макон ҳам, санок ҳам қамраб ола билмайди. Хўш, маълум замонда, маълум маконда яшайдиган, маълум илмга эга одамлар қандай қилиб уларни санай олади? Шундай бўлгач, барча инсонлар бу беҳисоб неъматлар учун ҳар доим ҳисобсиз шукрлар айтишлари керак эди. Афсуски, улар Аллоҳга

ширк келтириб, кофир бўлиб юрибдилар.

«Албатта, инсон ўта золим ва ўта ношукрдир».

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Тафсири ҳилол китобидан)